O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2001 йил 14 март, чоршанба • №20 (11.305) • Эркин нархда сотилади

10 АСРГА ТАТИГУЛИК ЙИЛЛАР

# БУГУН БЎСТОНЛИКДА АЖИБ УЙҒОНИШ

## 1. Чўққиларга интилар кўнгил

**ТОШКЕНТДАН чиқиб, Буюк Ипак йўлидан қорли тоғлар сари борсангиз, Чирчиқ шаҳридан ўтгач, рўпарангизда шундай хушрўй манзара пайдо бўладики, етмиш икки мучангиз яйраб, кўксингизда ҳузурбахш бир эпкин селпиниб ўтади.**

Сабабки, Бўстонлиқ бошланади. Олдинда кўз илғагунча қорли тоғлар. Гўёки икки бағрингиздан бошланиб юқорилаб борувчи бу тоғлар узра кўтарилиб, хушҳаво, ҳурнаво осмонларга парвоз бошлаётгандек сезасиз ўзингизни. Вужудингиздаги бу енгиллик муқимлашиб, тўлқинли мавжлари ўз кифтларига олади сизни.

Шу ҳиссиёт бутун Бўстонлиқ сафари чоғида бизларни тарк этмади.

Бўстонлиқ оҳанграбоси, сиру синоати кучли мана шундай диёр. Унинг ҳолатларини англаган, катта-кичик шўх сойлари ва дарёлари бўйлаб Оқтош ва Оқсоқота, Белдерсой ва Хумсон, Сижжак ва Жаҳонобод... қишлоқларининг хушфеъл, меҳнаткаш одамлари билан суҳбатлашган тирик жон борки, бир умр бу диёр мафтуни бўлиб қолади, қаерда бўлмасин, унга интилиб яшайди.

Бўстонлиқнинг мафтункор, ўзига чорловчи ҳислатлари бисёр. Бу тоғу тошлар, бу сўлим воҳалар, серўт яйловлар, бу қоялар қаъридаги бойликлар, дарёларнинг бўйларидаги мевазор боғлар инсон зоти бу заминда пайдо бўлибдики, унга бир бешик. Ғазалкент шаҳарчасида кекса зиёли Абдурашид ака Раҳимбердиевнинг хонадонида кечган гоҳ ҳазин, гоҳ завқли суҳбат асносида бу диёр ҳислатлари, унинг кўҳна, жангу жадаллар, яратишлар ва йўқотишлар, маърифатга интилишлар ва жаҳолатга юз-тубан кетишларга омухта тарихи, бугунги синовли ва сурурли кунлари ҳақида ажойиб ҳикоялар эшитдик.

Қани энди Бештор чўққисига кўтарилсангизу, бир дақиқа қуйига, олис-олисларга кўз ташласангиз. Улкан Чорвоқ денгизи нурли жилваланиб, кўзларингизни қамаштиради. Қорли тоғлар пастлашиб бориб, Чирчиқ воҳаси ҳосил бўлади. У кенгайиб, ёйилиб, Сирдарёга туташади. Қадим-қадимларда гуллаб-яшнаган бу воҳада йигирмадан ортиқ қалъа-шаҳарлар, шаҳар-давлатлар бўлган. Улардан бирининг вайроналари, пастда, харсанг қоялар аро кўпириб, гулдурос солиб оқувчи Чотқол дарёси устидаги кўприк қолдиқларини кўриб, лол қолган онларимиз бўлган. Бу – Ардланкент шаҳри вайроналари эди. Унда ўша даврларда қўли гул ҳунармандлар яшашган, теварак-атрофдаги тоғлар бағридан олтин, темир, мис, кумушга бой маъданлар қазиб олиб, мўъжаз қуролларда эритишган. Бурчмулла ҳали-ҳали темирчилар қишлоғи сифатида довруғли.



Кадабодтепада бундай ибтидоий қуролларнинг қолдиқлари яқин-яқинларгача сақланиб қолган. Кулоллар манзилгоҳи бўлган бу жойлар неча бор бузилиб-тикланиб, ҳозирги Боғистон қишлоғи вужудга келган.

Бўстонлиқ бағрида бундай қадимий ёдгорликлар сероб. Улар 180тадан ортиқ. Угом, Писком дарёлари бўйлаб юрсангиз, аждодларимизнинг манзилгоҳлари – ғорларни зиёрат қиласиз. Тошлардаги тоғ эчкилари, ов манзаралари тасвирлари неча асрлар оша бизларга етиб келган.

Даралар, сой бўйларида, яйловларда, кексалар суҳбатини олсангиз, минг бир ҳикоятлар, ривоятларни эшитиб, ҳайратга тушасиз. «Кўз ёши» қояси, «Ўн икки чашма», «Кўкёнғоқ» хазинаси – бу эл тарихидан жонли ёдгорликлар.

Бўстонликда ғурури баланд кишилар яшашади. Аксинча бўлиши мумкин эмас. Бўстонликда яшаб, уни севмаслик, унга сингиб кетмаслик, унинг келажагини деб меҳнат қилмаслик, курашмаслик гуноҳи азимдир. Бугунги бўстонлиқликлар аждодлар анъаналарига содиқ. Бугунги Бўстонлиқ – соҳибкорлар, сабзавоткорлар, нурчилар, сангтарошлар, чорвадорлар, ноз-неъмат бунёдкорлари, фозилу-фузалолар диёри. Унинг фарзандлари бугун ўз ақл-идрокларини Ўзбекистонимиз қадди-бастини тиклаб, жаҳон аро юксак кўтаришга сарфламоқдалар. Миллий мустақиллик бўстонлиқликларга ўтмишни қайта кашф этиб, ундан руҳ-мадад олиб, эртанги кунга, келажакка умидли интилиш учун қудратли куч бағишлади. Ғазалкентда оташнафас куйчи Элбек бу куч ўзининг барча жилолари билан намоён бўлишини тилаб турибди.



***СУРАТДА:** Янгиовул қишлоғидаги 28-ўрта мактаб ўқитувчиси Мирзагул Шерматованинг ҳар бир суҳбати ўқувчилар қалбига ватанпарварлик туйғусини сингдириб, халқимизнинг шонли анъаналарига садоқатни мустаҳкамлайди.*

## ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА ЙИҒИЛИШИ

***Шу йилнинг 30 апрель – 5 май кунлари Жиззах шаҳрида ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчи ёшлари ўртасида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн йиллигига бағишланган «Баркамол авлод» спорт мусобақаларининг финал босқичи бўлиб ўтади.***

13 март куни ана шу спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш вилоят ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни ташкилий қўмита раиси, вилоят ҳокимининг муовини Абдукарим Раҳимбердиев бошқарди.

Унда вилоятда ана шу тадбирга пухта тайёргарлик кўриш ва мазкур мусобақаларнинг вилоят босқичини ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида юқори савияда ташкил этиш, ўқувчи ёшларимизнинг миллий спорт турларига эътиборини янада ошириш ва уларнинг баркамол бўлиб етишишларига кўмаклашиш, шунингдек, республика «Баркамол авлод» спорт мусобақалари финал босқичининг машъаласи Паркент туманидаги «Қуёш» илмий марказида ёқилиши муносабати билан бу ритуал маросимни ўтказиш бўйича белгиланган чора-тадбирлар кенг ва атрофлича муҳокама этилди.

Вилоятда «Баркамол авлод» спорт мусобақаларини ўтказиш ва унинг финал босқичига тайёргарлик кўриш, шунингдек, ушбу спорт мусобақаларининг «Машъала» ритуалининг вилоят ҳудудидан ўтиш жараёнида амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисида вилоят касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Акмал Йўлдошев ахборот берди. Кун тартибидаги масалани муҳокама этишда вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Олег Тожиев, жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳром Ғафуров, Паркент тумани ҳокимининг муовини Ҳожимурод Эрматов сўзга чиқдилар.

Йиғилишда вилоят ҳудудидаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида «Баркамол авлод» спорт мусобақаларини юқори савияда ўтказиш, ушбу беллашувларнинг финал босқичига энг кучли ва иқтидорли ўқувчи ёшларни саралаш ҳамда мусобақа машъаласи олиб ўтиладиган Паркент, Юқоричирчиқ, Ўртачирчиқ, Зангиота, Янгийўл, Чиноз туманлари ҳамда Янгийўл шаҳрида уни уюштириш билан боғлиқ ишларни ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос анъаналари, қадриятлари ва удумларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди ва қўшимча тадбирлар белгиланди.

Таълим ва ислоҳот

## КУНЧИҚАР МАМЛАКАТНИНГ СОВҒАЛАРИ

**Бу дилхуш ва қувончли байрамни Бекобод мактабларининг ўқувчилари, педагог жамоалари узоқ вақт эслаб юришади. Кунчиқар мамлакатнинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Кёко Накаяма хоним металлурглар ва цементчилар шаҳрига бир олам нур олиб келгандек бўлди шу куни.**

Элчи хонимни ўқувчилар нон-туз билан кутиб олишди. 13-ўрта



мактаб директори А. Ҳамдамов мўътабар меҳмонга бу хайрли ташрифи учун миннатдорчилик билдириб, дўст Япония мамлакатининг бу қадами Ўзбекистонда миллий кадрлар тайёрлаш дастурининг муваффақиятли бажарилишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилажагини таъкидлади.

Мактаб ўқувчилари Япония мамлакатининг жами 22 минг долларлик совғалари — 12 дона компьютер ва унга қўшимча ускуналар, ксерокс ва видеомагнитофонни мамнуният билан қабул қилиб олишди. Уларни топшираётиб, элчи хоним ҳар иккала мамлакат ўртасидаги дўстона алоқаларни яна ҳам фаол ва самарали тус олдириш муҳим эканлигини таъкидлади. Шу куни 2-ўрта мактабга ҳам Япониянинг 20 минг доллар қийматидаги ўқув-спорт ашёлари топширилди.

Бу учрашувлар чоғида Бекобод шаҳри ҳокими Жалолиддин Насриддинов элчи Кёко Накаяма хонимни мамлакатимизда, хусусан, Бекобод шаҳрида ислоҳотларнинг бориши, миллий кадрлар тайёрлаш дастурини амалга ошириш жараёнида эришилаётган дастлабки натижалар, таълим соҳасидаги ислоҳотлар жараёни билан таништирди. Ўқувчилар, ота-оналар қимматли совғалар учун японияли меҳмонларга миннатдорчилик билдиришди.

Маросимда Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Хўжаева иштирок этди.

***Ўз мухбиримиз.***

***СУРАТЛАРДА:** 1. Меҳмонларни кутиб олиш пайти. 2. Япониянинг совғалари шу куниёқ ўрнатилиб, ишга туширилди.*

***Дилшод АҲМЕДОВ олган суратлар.***



*Вилоят ҳокимлигида*

## НАЗОРАТ САМАРАЛИ БЎЛСИН

***Кеча, 13 март куни назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши Тошкент вилояти бўйича ҳудудий комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.***

Уни вилоят ҳудудий комиссияси раиси, вилоят ҳокими Уммат Мирзақулов олиб борди.

Йиғилишда «Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг 2001 йил 8 февралдаги йиғилиши қарорининг ижроси ҳақида»ги масала кўриб чиқилди. Вилоятда хўжалик субъектлари фаолияти текширилишининг 2000 йилда мувофиқлаштирилиши, бу соҳада бажарилган ишлар юзасидан Республика Кенгаши ишчи органининг мониторинги якунлари ва бу ишни 2001 йилда такомиллаштирилиши билан боғлиқ масалалар хусусидаги ахборот тингланди. Зангиота тумани бўйича назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий ишчи комиссияси томонидан текширишларнинг тартибга солинишига оид қонунчилик талабларининг бажарилиши юзасидан шу ҳудудий комиссия раиси, туман ҳокими Ҳ. Нурматов ахборот берди.

Шунингдек, йиғилишда ҳудудий комиссия фаолиятига доир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.




## ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

**Вилоятимизнинг йирик кон-саноат марказларидан бири — Ангрен шаҳрида умумхалқ байрами — Наврўзга тайёргарлик сўнгги босқичга кирди. Ташкилий қўмита корхоналар ва ташкилотларда олиб борилаётган тайёргарлик ишларини мувофиқлаштириб турипти.**

Умумшаҳар шанбалиги ўтказиб, майдонлар, кўчалар, спорт-соғломлаштириш масканлари тартибга келтирилаяпти. Кенг кўламдаги ободонлаштириш ишлари авжида. Меҳнат жамоалари бир кунлик ишлаб топган маблағларини байрам жамғармаси учун ажратишди.

— «Кимёгар» стадиони, унинг атроф кўча ва майдонлари умумшаҳар сайлининг марказига айланади, — дейди Наврўз байрами тантаналарининг режиссёри Шоира Аъзамова. — Томошалар бадиий ҳаваскорлик ва фолклор дасталарининг чиқишлари билан бошланади. «Ангрен юлдузлари» болалар ансамбли, доирачи йигитлар, шаҳар «Меҳрибонлик уйи» ҳаваскор раққосалари байрамга ўз янги дастурларини тайёрлашаяпти.

Байрам тантаналарининг иккинчи қисмида таниқли хонанда Козим Қаюмов, кулги усталари Хасан ва Ҳусан Жўраевларнинг чиқишлари режалаштирилган. Ангреннинг ўз қўшиқчилари байрамга алоҳида файз киритишади, албатта. Чунончи, Муборак Абдураҳмонова, Кимёхон Қосимхоновалар озод Ватанимиз ва мустақилликни улуғловчи янги қўшиқлар тайёрлашаяпти. Чирчиқда ўтган эстрада қўшиқлари танлови совриндори Мунисхон Ҳакимов ҳам Наврўз байрамига бағишлаб ўз дастурини қиёмига етказаяпти.

***Жўра САЪДУЛЛАЕВ.***

ВИЛОЯТ *ҳаёти*

## ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА – МАЪНАВИЙ КАМОЛОТ

***Бекобод педагогика билим юртининг ўқув гуруҳларида «Оналик ва болалик — давлат ва жамиятнинг алоҳида ғамхўрлигида» мавзуида очиқ тарбиявий соатлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказила бошланди.***

«Оналар ва болалар йили»да билим юрти раҳбарияти тасдиқлаган тадбирлар доирасида «Ёш оила — юрт келажаги», «Оила ва никоҳ», «Остонаси тиллодан», «Муҳаббат бекати» мавзуларида суҳбатлар ташкил этилиб, радиоэшиттиришлар ҳам олиб борилаётир. «Талабалар уйи»да эса шифокорлар, ҳуқуқшунослар, ҳуқуқ-тартибот идораларининг тажрибали ходимлари билан учрашувлар ташкил этиш мўлжалланаяпти. Буларнинг ҳаммаси талаба ёшларнинг маънавий камолотига хизмат қилаётир.

***Жўрабек МУРОДОВ.***

## «ЭНГ ЯХШИ ГУЛЗОР»

***«Экосан» ва «Наврўз» халқаро жамғармаларининг Бекобод шаҳар бўлимлари баҳор байрами арафасида хайрли ташаббус билан чиқдилар. Улар шаҳарда «Энг яхши гулзор» номини олиш бўйича танлов ўтказишга келишдилар.***

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Наврўз» байрами муносабати билан мамлакатимизда «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги» ўтказиш тўғрисидаги қарорига амалий иш билан жавоб беришга қаратилган ташаббусни шаҳардаги барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар жамоалари, маҳаллалар бажонидил қўллаб-қувватладилар ва тадбирда иштирок этиш истагини билдирдилар.

Танлов республикамиз мустақиллигининг ўн йиллик қутлуғ санаси арафасида якунланади. Унда ғолиб чиқиб, «Энг яхши гулзор» номини олган жамоалар қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланади. Яхши натижага эришган мактаб жамоаларига эса пул мукофоти бериш назарда тутиляпти.

***Собир ҲАМИДОВ.***

## ИБРАТЛИ ҚАЙНОНА

***Қуйичирчиқ туманидаги 11-ўрта мактабда «Энг ибратли қайнона» кўрик-танлови бўлиб ўтди.***

Туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан ўтказилган ушбу танловда туман қишлоқларида ғолибликни қўлга киритган беш нафар қайноналар ўзаро беллашдилар.

Унда Дўстобод шаҳар 2-маҳалласида истиқомат қилувчи беш келин ва уч куёвнинг қайнонаси Ҳайитбуви Одамқулова тумандаги энг ибратли қайнона деган шарафли номга сазовор бўлди. Энди Ҳайитбуви кўрик-танловнинг вилоят босқичида иштирок этади.

***Фотима ЗОКИРОВА.***

## ТАНИҚЛИ МУСАВВИРНИНГ ЭЪТИРОФИ

***Чиноз туманидаги Абу Райҳон Беруний номли 1-ўрта мактабда «Осойишта Ватаним менинг» деб номланган тасвирий санъат асарлари кўргазмаси очилди.***

Бу ерда асарлар кўргазмаси билан танишган таниқли мусаввир Рўзи Чориев суратларда акс этган табиат манзаралари, оналар сиймоси, Ватан қиёфаси сингари тасвирларда олам гўзаллигидан ҳайратланган ижодкорларнинг ички дунёси намоён бўлганлигини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, машҳур мусаввир танлов ғолиблари О. Бўриев, Д. Исматова, Э. Тайлер, Ф. Каримова чизган суратларни юксак баҳолади.

***Гулбаҳор ОРТИҚХЎЖАЕВА.***

## ЖАМИЯТНИНГ НАВБАТДАГИ ҲИММАТИ

***«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятида ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга катта эътибор беріляпти. Шу жумладан, уй-жойлар қуриш узлуксиз давом этмоқда.***

Жамият ажратган сармоя ҳисобига кўп қаватли янги уй фойдаланишга топширилди. У йигирмата хонадонга мўлжалланган бўлиб, истиқомат қилиш учун барча қулайликларга эга. Жами сатҳи сал кам икки минг квадрат метрни ташкил этган бу турар-жой газ ва сув ҳисоблагичлар билан тўла жиҳозланган. Унга кўчиб кирган кончи, металлурглар оилалари уй тўйлари ўтказишди.

***Ўз мухбиримиз.***

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги

# БОҒГА ҚАРАСАНГИЗ БОҒ БЎЛАДИ...

**Вилоятимизда йилдан йилга кенгайиб бораётган боғ ва токзорларда мўл ҳосил етиштириш, халқимиз дастурхонини зарур ноз-неъматлар билан тўкин қилиш учун мевали дарахтларга ўз вақтида шакл бериш талаб этилади. Бу тадбирни амалга оширишда биринчи навбатда мевали дарахтларнинг яхши ривожланиши ва мўл ҳосил беришини таъминлаш кўзда тутилади.**

Бу ишни шундай ташкил қилиш кераккки, ҳар бир дарахтда кўпи билан 6-7та она шохлари қолсин. Бир йиллик новдаларнинг узунлиги 35-40 сантиметрдан ошмаслиги мақсадга мувофиқдир.

Кесиш ишлари йилнинг қандай келишига қараб амалга оширилади. Мўл ҳосил бериши кутилаётган бўлса кўпроқ, кам ҳосил кўзда тутилса камроқ кесиш тавсия этилади.

Данакли меваларда гулдастасимон шохча ва пихсимон шохлар бир йиллик ва кўп йиллик новдаларда шаклланади. Булар уруғлик мевали дарахтларнинг ҳосилли шохларига нисбатан кўп яшамайди. Шунинг учун бундай дарахтлардаги шох-шаббаларнинг ички томони ялонғочланиб қолади. Катта ёшдаги шохлар кўплаб пайдо бўлади. Куртакларнинг кўпроқ униб чиқишини, яъни новдаларнинг камроқ яланғочланишини таъминлаш мақсадида асосий шохлардаги ўқ новдалар қисқартирилади.

Айримлар шафтоли дарахтининг умри қисқа дейишади. Лекин, бу дарахт ҳам ўз вақтида шакл берилиб, эскириб қолган, ҳосил бермайдиган шохлари кесиб турилса, узоқ вақтгача ҳосил олиш мумкин. Бунда кучли ўсиб кетган 4-5 ёшли дарахтларнинг юқори қисмидан 1-1,5 метри олиб ташланади, бир ёшли ҳосилли новдаларда эса 10-12та куртак қолдирилади. Қалинлашиб кетган шохлар олиб ташланади.

Ток тупларини ўз вақтида хомток қилиб туриш мўл ҳосил гарови эканлигини боғбонларимиз яхши биладилар. Бунда тўпгуллар пайдо бўлиши билан май ойида биринчи хомток ўтказилади. Агарда новдада тўпгул ўрнида жингалаклар пайдо бўлса, билингки бу новда яхши ҳосил бермайди. Хомток жараёнида токнинг кўп йиллик зангларидан ўсиб чиққан бачки новдалар биринчи навбатда олиб ташланади, ўринбосар новдалар қолдирилади. Хомтокдан сўнг ток тупида қолган новдалар иложи борича намланган чипта ва каноп новдасининг пўстлоғидан фойдаланиб бағазларга биттама-битта таралади ва бунда новдани ҳаддан ташқари сиқиб юбормасликка эътибор бериш керак. Баҳор ва ёз ойларида тупроқда намни сақлаб туриш, бегона ўтларни йўқотиш мақсадида қатор оралари 10-12 сантиметр чуқурликда 3-4 марта культивация қилинади. Чизеллаш ёки дискалаш ҳам мўлжалдаги намнинг сақланишига ёрдам беради. Ҳар бир тадбир лалмикор ва яримлалмикор боғларнинг ҳолатига қараб амалга оширилади.

Мевали дарахтлар ва ток тупларининг нормал ўсиб, ривожланиши ва мўл ҳосил бериши учун азот, фосфор, калий ўғитлари ва чириндилар етарли бўлиши зарур. Суғориладиган бўз тупроқли майдонлардаги токзорларга 120 килограмм (гектарига) азот, 90 килограмм фосфор ва 30 килограмм калий солинади. Агар бу ўғитларга маҳаллий ўғитлар аралаштириб солинса, самара яна ҳам яхши бўлади. Мевали дарахт ва ток туплари барглари сарғая бошласа, илдизга яқинлаштириб ҳар тупига 700-800 граммдан темир кукуни солиш тавсия этилади.

Ток тупларида ғураларнинг катталиги мошдек бўлганида иккинчи хомток ўтказилади. Бу июнь ойига тўғри келади.

Бутун вегитация давомида оғир тупроқли ерлардаги ҳосилдор токзорлар 2-4 марта, қумли, тошлоқли ерларда эса 7-9 марта суғорилади.

Боғларга олма ва олхўри қурти, кана, нок бити катта зиён етказади. Уншудринг, шафтолида эса баргнинг бужмалоқланиши ҳосилдорликни кескин камайтиради. Бунга йўл қўймаслик учун мевали боғлар гулдан чиқиши биланоқ дарахтлар золон дориси эритмаси ёки суми альфа, нурел-Д эритмалари билан ишланади. Уларни қандай тайёрлаш, гектарига қанчадан суюқлик сарфланишини мутахассисларимиз яхши биладилар.

Кўплар шафтолидан яхши ҳосил ололмаяпмиз, касал тушиб кетяпти, деб нолишади. Шунинг учун биз касалликка қарши курашда нимага эътибор бериш ҳақида аниқроқ маслаҳат бермоқчимиз. Шафтолизорда бордо суюқлигининг бир фоизли эритмаси тайёрланиб, гектарига 12-15 килограмм, ёки вектарни, шунингдек, топаз дорисининг 0,05 фоизли эритмаси гектарига 500 грамм тайёрланиб, дарахтларга пуркалади. Ўрик, бодом ва бошқа данакли меваларда, бундан ташқари шира ажралиши сифатида кўринадиган ҳавфли касаллик пайдо бўлганда ҳам дарахтларга мутахассислар томонидан кўрсатиб ўтилган дорилардан бирини танлаб, ишлов берилади.

Токзорларда ток мевахўри, оидиум ва антракноз каби касаллик ва зараркунандаларнинг тарқалиши кузатилмоқда. Шунинг учун ток мевахўрига қарши золон дорисининг 0,3 фоизли эритмаси токнинг ёшига қараб гектарига 3,5-4 килограмм сарфланиб, дориланади ёки олма қуртига қарши ишлатиладиган дорилардан ҳам фойдаланса бўлади. Бу тадбир ток гулини тўкиб бўлгандан сўнг амалга оширилади. Биринчи ишловдан 7-10 кун ўтгач, тадбир яна бир бор такрорланади.

Май, июнь ойларида кул касаллигининг авж олмаслиги учун ток тупларини ўз вақтида, яхши парвариш қилишга алоҳида эътибор бериш, муҳими новдаларни яхши шамоллайдиган ва ёруғлик бемалол тушиб турадиган қилиб тараш шарт.

Новдаларни хомток қилиш ва чилпиш ишлари камида 2-3 марта бажарилади. Керакли агротехник тадбирларни ўтказиш билан бир вақтда кукунсимон олтингугурт билан ишлов беришнинг натижаси ҳам яхши бўлади. Шунингдек, олтингугурт кукуни, коллоид олтингугурт суспензиясидан ташқари топаз дорисидан пуркаш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Биз ўйлаймизки, юқорида баён этилган мулоҳазалар, тавсиялар ўз вақтида ва сифатли амалга оширилса, боғ ва токзорлардан мўл, сифатли ҳосил олиш мумкин бўлади.

***Мирмақсуд МИРЗАЕВ,* «Мева шарбат» боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.**
***Юрий ЖАВАКЯНЦ, Маҳдий РАЗЗОҚОВ,* шу бирлашма ходимлари, қишлоқ хўжалиги фанлари номзодлари.**

---

# ШОИР ҚАЛБИДАГИ БАҲОР...

## (Абдулла Орипов шеъриятининг бир хусусияти ҳақида ўйлар)

**Абдулла Орипов ижод дордини «Эҳтиёж фарзанди» деб атагани бежиз эмас. Негаки, «қондирилиши ниҳоятда зарур бўлган бу эҳтиёж»нинг турфа товланишларию манзараларини шоирнинг ўз ижоди саҳифаларидан ҳам истаганча топиш мумкин.**

Бундай эҳтиёжни қондирмоқлик учун эса табиат одатда шоирга ноёб истеъдод, катта маҳорат ва сонсиз-саноқсиз имкониятлар инъом этган бўладиким, мен қуйида ана шу гўзал шеъриятнинг бир нозик хусусияти ҳақида мухтасар сўз юритмоқликка жазм этдим.

Умуман олганда, шоир халқи ҳамиша баҳорга мафтун ва ошуфта бўлиб яшайди. Ким билсин, балки бу фусункор ва эрка фаслнинг баҳорий тозалигию рангинлиги шоир қалбидаги эзгу ва олижаноб туйғуларга ҳамоҳанглигидандир?

Аслини олганда ҳам, баҳор нафақат борлиқни уйғотгувчи, балки оддий инсон қалбини ҳам нозик ва нурли ҳисларга тўлдириб юборгувчи фасл саналади. Шоирлар қалбинику, инчунун! Шу боисдан ҳам баҳор мавзуига мурожаат қилмаган шоирнинг ўзи йўқ. Чунки, дилига шеър завқи тушган инсон бу фасл бағрида уйғонишни, тонг тароватию офтоб ҳароратини, поклик, беғуборликни кўради ва нафосат мухлисларини ўзининг ана шу сирли кечинмаларига ошно этишга ошиқади. Яъни, шоирнинг ўзи айтганидек:

*Нечун кўклам мадҳи тушмас*
*ғазалдан,*
*Шоирлар баҳорни куйлар*
*азалдан?..*

Мана бу гўзал сатрлар эса туғилганига ва ҳамон қалбларни тўлқинлантириб келаётганига қарийб қирқ йил бўляпти.

***Уйғонгувчи боғларни кездим,***
***Топай дедим қирдан изингни.***
***Ёноғингдан ранг олган дедим —***
***Лолазорга бурдим юзимни,***
***Учратмадим аммо ўзингни,***
***— Сен баҳорни соғинмадингми?***

Шу ўринда шоир ижодидаги баҳор манзараларининг турфа рангларию, турфа оҳангларига эътиборингизни қаратаман.

Шоир шеърларини эсланг! Уларнинг сарлавҳаларининг ўзиёқ бу дилбар фаслнинг шоир қалбига қанчалар яқин ва қадрдон эканлигидан дарак бермайдими?.. «Баҳор», «Сен баҳорни соғинмадингми?», «Баҳор кунларида...», «Баҳор сеникидир», «Баҳор хосияти», «Баҳор тилаклари...»

Шоир «уйғонгувчи боғларни кезар» экан, «лолазорга юз бурар» экан, аммо негадир уни учратолмайди ва хитоб қилади: « – Сен баҳорни соғинмадингми?»

«Кечди қанча интизор чоғлар» дея давом этади у ва ёзади: «Васлинг менга бўлмади насиб, сенсиз мен ҳам, баҳор ҳам ғариб» дейди у ва яна хитоб қилади: « – Сен баҳорни соғинмадингми?»

Сезаяпсизми? Бу ерда нафақат ҳар йили ташриф буюрадиган баҳор фасли ҳақида, балки шоир «қўлида гул билан кутган, умри бўйи чорлаб ўтган» чинакам баҳор – Ҳуррият ҳақида сўз юритаяпти. Яъни, «баҳор» бу ерда мажозий образ вазифасини ўтаяпти.

Энди тасаввур қилинг! Бу шеър 1963-йили, ҳали мустабид Шўро тузуми ҳукм сурган мураккаб бир даврда ёзилган. Тан олиш керак, бунақа сатрларни у вақтларда бунақа йўсинда ёзиш ҳам мушкул вазифа эди.

Ёки, шоир бошқа бир шеърида баҳорга қарата «Сени атамишлар уйғониш фасли!» дея мурожаат қилади ва «юк ташлаб кифтини кўтарган тоғларни», «бош силкиган безавол майсаларни», ҳатто «тарновлар бўғзидаги лоланинг кўркамлигини», ҳаттоки «туйғусиз, чирик хазон ҳам яшил пўпанакдан қанот боғлагани»ни тасвирлайди ва яна хитоб қилади:

*Сенинг висолингдан қувонмай*
*нега,*
*Баҳор соғинтирдинг ахир*
*кўп узоқ!*
*Ялдо кечасидай рутубатли қиш*
*Солди руҳимизга оғир бир*
*сурур.*
*Сен келдинг, уйғонди яна шўх*
*олқиш,*
*Йиғлаган кўзларга тушган каби*
*нур.*
*Ҳа, мангу заволлик бўлмас*
*оламда*
*То суйин сочаркан абри*
*найсонлар.*
*Мен сизни эслайман аммо*
*шу дамда*
*Мангуга кўз юмган азиз*
*инсонлар...*

Ва ана шундан кейин «Темур гумбазини ёритган лаҳзалик нур»ни, «хаёли бамисоли Кўрагонийдек» Султон Улуғбегу «Қалам билан оламни забт этган» ҳазрат Навоийни ёдга олади ва устоз Ғафур Ғуломy Мақсуд Шайхзода каби алломаларни айнан номларини тилга олмаса-да, «таниш наъра», «суюкли даҳо» дея ишорат қилади. Ва шеър якунида шоирнинг юраги «портлайди»:

*Қизғалдоқ баргидек учар*
*дилдан ғам,*
*Тошқинлар киради қалбимга*
*маним.*
*Баҳоринг муборак бўлсин ушбу*
*дам,*
*Менинг Ўзбекистон — дилбар*
*Ватаним».*

Ана энди, жиндек фикр юритиб кўрайлик. Нега шоир «руҳимизга оғир бир сурур солган рутубатли қишни ялдо кечаси»га менгзайди? Нега баҳорнинг келишини «йиғлаган кўзларга тушган нур»га таққослайди ва «Ҳа, мангу заволлик бўлмас оламда» дея некбин хулосага келади?

Менинг назаримда Абдулла Орипов ана шу сатрлар ёзилган кезлариёқ Истиқлол орзуси билан яшаган ва қачонлардир боболарнинг ана шу азалий армонни амалга ошажагига ишонган ва шунга ишора қилгандек кўринади. Шоирнинг маҳорати ҳам, жасорати ҳам шу эмасми аслида?!

Мана бу йил Мустақиллигимизнинг 10 йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз. 10 йил кўҳна тарих қаршисида киприк қоққудек фурсат эканлигига шак-шубҳа йўқ. Аммо ана шу ўтган йиллар Мустақил Ватанимиз «таржимаи ҳоли»да асрларга татигулик йиллар бўлганлигини бугунги кунда жаҳон афкор оммаси ҳам эътироф этиб турибди.

Не бахтки, яқин ўтмишда «тоғларнинг ҳаётбахш, тоза қорига, қизчасининг баргак таққан сочлари»га кўзини тикиб, «Қаҳратон қишдан омон чиқа олган илдизга боқиб» қувонган шоир мана бугун кўкрагига ҳуррият шабадаси урилган халқининг атоқли ва ардоқли шоири бўлиб юрибди.

Ҳа, Абдулла аканинг ўзи «Баҳор тилаклари» шеърида ёзганидек:

***...Баҳор норасида гўдакдай***
***ширин,***
***Қўйнида эзгулик армон***
***яширин...***
***...Одам боласига доим***
***умид ёр,***
***Шул сабаб баҳорга***
***тилаги бисёр:***
***Оламга қабоҳат заҳрин***
***сочмаса,***
***Маъсум юракларда яра очмаса.***
***Қопламаса басдир ерy самони,***
***Мудҳиш қирғинларнинг***
***қора тўзони...***

Чинакам шеъриятнинг сурати ҳам, сийрати ҳам, қудрати ҳам шунда бўлса керак, деб ўйлайман.

Биз шогирдлар эса авлодлар қалбида баҳорий ҳислар уйғотиб келаётган ва ўз ижодининг илк саҳифалариданоқ халқимизни чинакам БАҲОР – ИСТИҚЛОЛга даъват этиб келган Қаҳрамон шоиримизга ҳар қанча таҳсин ва ташаккурлар айтмоқликка бурчлимиз.

Зеро, у кишининг ўзи айтганидек:

***Дўстлар, нур васлига ташлайлик***
***нигоҳ,***
***Шу буюк офтобнинг***
***мукофотини***
***Эъзозлаб қўяйлик айтиб***
***шукрона,***
***Дилдан ўчирайлик ғамнинг***
***отини,***
***Баҳор ҳам бахт каби ахир***
***ягона...***

**Эркин МИРСОАТОВ.**

---

# 10 АСРГА ТАТИГУЛИК ЙИЛЛАР

# БУГУН БЎСТОНЛИКДА АЖИБ УЙҒОНИШ

## 3. Пудратчи: «Мен мулкдорман»

**МУСТАҚИЛЛИК шарофати билан бошланган иқтисодий ислоҳотлар туфайли туман қишлоқ хўжалигида қандай ижобий ўзгаришлар юз берганлигини, аввала, собзавоткор ва ғаллакорларнинг, боғбон ва соҳибкорларнинг ерга, мулкка ва эркин меҳнатга нисбатан муносабатлари тубдан ўзгарганлигида яққол кўриш мумкин. Тармоқда ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликлари коби мулкчиликнинг бозор муносабатларига айнан мос шакллари қарор топди. Эндиликда ширкат хўжалигида меҳнат қилаётган ҳар бир пудратчи ўзини том маънода қишлоқ мулкдори сифатида ҳис этмоқда.**

- **2000 йилда 26 минг 860 тонна сабзавот, 10 минг 593 тонна мева, 3253 тонна картошка, 6975 тонна узум етиштирилди.**
- **Давлатга 7454 тонна ёки 180 миллион 582 минг сўмлик ғалла сотилди. Шундан 6989 тоннаси сифатли буғдойдир.**
- **5548 тонна мол ва парранда гўшти, 15 минг 258,7 тонна сут етиштирилди.**
- **Ҳар бир қўйдан ўртача 2,6 килограммдан, жами 145,7 тонна жун қирқиб олинди.**

РЕСПУБЛИКА ҳукуматининг жамоа хўжаликларини қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкати)га айлантириш ҳақидаги қарори туманда изчил амалга оширилмоқда. Иш юритишнинг ширкат усулига ўтган барча хўжаликларда ижара ва оила пудратлари ташкил этилиб, сарф-харажатларнинг чек тизимини молия-ҳисоб маркази орқали амалга ошириш тўла йўлга қўйилди. Хўжалик бошқаруви билан ҳар бир ижарачи ва оилавий пудратчи ўртасида тузиладиган шартнома қонуний кучга эга бўлиб, пировард ҳисоб-китоблар ана шу шартнома шартлари қай даражада бажарилганлигига қараб амалга оширилади.

Ширкатнинг бутун афзалликлари, ўзига хос янги-янги қирралари «Сойлиқ», «Дўстлик», Амир Темур номли илғор хўжаликларнинг бугунги фаолиятида, иқтисодий салоҳиятида тўла намоён бўлмоқда. Юртбошимизнинг қаердаки раҳбарлар ташаббускор, изланувчан, узоқни кўриб иш юритадиган бўлса, ўша ерда ислоҳотлар оғишмай олға босади, иқтисодий юксалишга эришилади, деб қайта-қайта таъкидлаши бежиз эмас. Юқоридаги хўжаликларнинг раҳбарлари ширкатнинг қандай тузилма эканлигини, меҳнатни ташкил этиш тартибини, аввало, ўзлари пухта ўрганиб олганлар ва эндиликда ижарачию пудратчиларга тушунтириб бермоқдалар. Жумладан, «Сойлиқ» ширкат хўжалиги бошқарувчи раиси Тоҳир Ҳамидов ширкат усули жамоага нима берганлиги ҳақида шундай ҳикоя қилади:

– Энг муҳими тайинли иш қилмай, даромадга шерик бўладиганларни ширкат тан олмай, табиий йўсинда четга суриб қўяр экан. Колхоз-совхоз даврида идора аъзолари 50-60 кишидан кам бўлмасди. Ҳозир эса тўққиз киши хўжалигимизни бемалол бошқаряпти. Улар сафида бригадир, оддий пудратчи ва пенсионер ҳам бор. Молия-ҳисоб-китоб маркази малакали ишласа бас. Даромад ҳам, буромад ҳам жойида бўлади.

Менга айниқса маъқул бўлгани хўжалик бошқаруви билан ижарачи ва пудратчи ўртасидаги муносабат тўғри изга тушар экан. Бошқача қилиб айтганда, хўжалик раҳбари билан ҳар бир деҳқон ўртасида ўзаро ишонч пайдо бўларкан. Бу – асосий масала. Деҳқон меҳнатига куйиб қолмаслигига, ҳақини албатта олишига қатъий ишонса, бошқарув раиси эса деҳқоннинг айтган ҳосилини сўзсиз етиштириб беришидан кўнгли тўқ бўлса, икки ўртада ер яйрайди, экин яшнайди, ҳосил қайнайди. Қарабсизки, хирмон баракали, даромад мўмай.

Бир ҳафта бурун 2000 йил якунига бағишлаб, ҳисобот йиғилишини ўтказдик. Соф фойдамиз 50 миллион 475 минг сўм бўлипти. Рентабеллик 45 фоизга етипти. Бу туманимизда энг юқори натижалардан бири. Шу пулнинг 12 миллион сўмини дивиденд сифатида аъзоларга тарқатишга қарор қилдик.

Узоқ муддатга мулк қилиб берилган ерини яхши боққан, экинни яшнатган пудратчилар пай улушларига қараб, 100 минг сўмлаб қўшимча ҳақ оладиган бўлдилар.

Ширкатнинг яна бир муҳим афзаллиги шундаки, ҳамма мустақил. Масъулияти ўзида, биров аралашмайди, ютуғига ҳам, хато ва камчилигига ҳам ўзи жавобгар. Раисдан тортиб оддий пудратчигача вазифаси аниқ-тайин. Буни тушунган, йўлга қўя олган раҳбарга жуда осон. Масалан, мен айрим раҳбарларга ўхшаб барча соҳани ўз зиммамга олиб, ҳамма ишга аралашавермайман. Деҳқончиликнинг пировард натижаси учун бош ҳосилот билан бош муҳандис жавобгар.

Мен кўпроқ ижтимоий-иқтисодий масалалар билан шуғулланаман. Хўжаликнинг истиқболи, қишлоқларимизнинг ободончилиги, аҳолининг турмуш шароити ҳақида ўйлайман, изланаман, янги-янги имкониятлар топишга ҳаракат қиламан. Ҳудудимизда мактаб ва болалар боғчаси, Тилла Маҳсум мадрасаси бор. Уларни вақти-вақти билан таъмирлаб ва моддий ёрдам кўрсатиб туриш лозим. Деҳқонларимиз навбати билан дам олиш уйлари, санаторийларда ҳордиқ чиқариб, саломатликларини тиклашлари керак. Бу ишларнинг ҳаммаси аниқ режа асосида ва одилона ҳал қилиб берилиши зарур...

Раиснинг дил сўзларини тинглар эканмиз, давлатимиз раҳбарининг Вазирлар Маҳкамаси мажлисида куюниб айтган қуйидаги гаплари ёдимизга тушди: «Кўпинча амалга оширилаётган ўзгариш ва ислоҳотларнинг асл моҳиятини ижрочиларнинг ўзлари ҳам охиригача тушуниб, англаб етмаяпти. Амалда бошқарув тузилмаси ва шакли ўзгарган бўлса-да, кўпинча ишнинг мазмун-моҳияти ўзгармай қолаётган ҳоллар учраб турипти».

– Юртбошимиз юз фоиз ҳақлар, – дея фикрини давом эттирди раис. – Ислоҳотлар суст кечаётганининг асл сабаби шунда. Масалан, мен ҳали айтганимдек кўп вақтимни пудратчилар даврасида ўтказаман. Ширкат ва оила пудрати нима, чек дафтарчаси қандай юритилади? Ҳаммасини эринмай тушунтириб бораман. Бунинг самараси эса хўжалигимизнинг илғорлар сафида эканлигида кўриниб турипти. Ҳатто, шундай мисол келтиришим мумкин: ўтган йили 60 нафар аъзомиз енгил машина сотиб олган эди, бу йил бир ярим ойдаёқ 17 нафари янги машинали бўлди.

Ҳақиқатан ҳам бозор муносабатларининг ҳал қилувчи омиллари — ширкат, пудрат, ижара, чек тизими туманнинг қишлоқ хўжалиги тармоғига чуқур кириб, такомиллашиб боргани сари хўжаликларнинг иқтисодий салоҳияти юксалиб, қишлоқ меҳнаткашларининг рўзғори бут бўлиб, турмуши фаровонлашиб бормоқда. Чунончи, «Дўстлик» ширкат хўжалиги аъзолари 2000 йилни 61 миллион 470 минг сўм соф фойда билан якунлашибди. Энди тасаввур қилайлик. Агар ҳамма хўжаликлар ҳар йили шундай даромадга эга бўлиб борсалар, уларнинг техника воситалари, ўғит, ёнилғи-мойлаш масалаларида бирорта муаммолари қолармиди? Йўқ, албатта. Демак, буёғи фаровонлик. Ислоҳотларни амалга оширишдан мақсад шу аслида.





*СУРАТЛАРДА: 1. «Янгиовул» ширкат хўжалиги ғаллазорларида ниҳоллар бар-авж. Бош иқтисодчи Бердибек Исахов, раис ўринбосари Омонгелди Анорбеков, ғаллакор Мирзагелди Бўтахоновлар экин ривожидан мамнун. 2. «Янгиовул» ширкат хўжалиги механизаторлари қишлоқ хўжалик машиналарини дала ишларига барвақт тайёр қилиб қўйишди. Устахона раҳбари Қурбон Жолдасов (ўртада) механизаторлардан Абдужалил Аҳматов ва Сейит Бердиалиевлар билан тайёргарлик даражасини сўнгги марта кўздан кечириб чиқишяпти.*

---

# БОЛАЛАР УЧУН НАВРЎЗ СОВҒАЛАРИ

***Ўртачирчиқ туманидаги 124-махсус мактаб интернатга баҳор нафаси билан биргаликда мурувватли инсонларнинг меҳри ҳам кириб келди. «Соғлом авлод учун» жамғармасининг Тошкент вилояти бўлими бу даргоҳдаги олтмиш нафар болани кийим-бош билан тўлиқ таъминлади.***

— Туманда хонадонлар бағрида тарбияланаётган йигирма нафар кичкинтойни ҳам унутганимиз йўқ, — деди жамғарма вилоят бўлимининг раиси Гулсанам Ваҳобова. — Уларга ҳам байрам совғалари улашилди. Тумандаги болалар уйига жами 300 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Бу хайрия тадбирини амалга оширишимизда Англиянинг «QUICK STOP GROUP» фирмаси президенти Житендра Пател яқиндан ёрдам берди. Шу ўринда давлат дастурларини изчил амалга оширишимизда тадбиркорлар, хориж фирмалари билан ҳамкорлигимиз яхши самара бераётганлигини таъкидламоқчиман. Бундай иш услуби иқтисодий имкониятларимизни кенгайтириб, хайрия тадбирларини мунтазам ўтказишимизга кўмаклашяпти.

Дарҳақиқат, жамғарманинг вилоят бўлими қўшалоқ байрам арафасида Янгийўл шаҳридаги 18-махсус интернат ва 13-ўрта мактабга совға-салом билан кириб боришди.

*«Туркистон-пресс».*

